ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Улжаева Шоҳистахон Мамажоновна,
Тарих фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети "Гуманитар фанлар" кафедраси профессори
Тошева Гўзал Шербобоевна
Тошкент кимё-технология институти «Ижтимоий-сиёсий» фанлар кафедраси ассистенти

Аннотация. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳалардаги иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда давлат қарорлари ва халқаро ташаббуслар қабул қилинган бўлиб, улар гендер тенглигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга хизмат қилади. Мамлакатда хотин-қизларни STEAM соҳаларига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий дастур бу жараённи қўллаб-қувватлайди. Хотин-қизларнинг билим ва раҳбарлик салоҳиятини ошириш жамиятнинг интеллектуал ва маданий ривожланишига ҳисса қўшади.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, илм-фан, таълим, гендер тенглиги, тараққиёт, раҳбарлик, Ўзбекистон, Миллий дастур.

Аннотация. Участие женщин в науке и духовно-просветительской сфере в Узбекистане играет важную роль. В этой области приняты государственные решения и международные инициативы, направленные на обеспечение гендерного равенства и экономического роста. Особое внимание уделяется вовлечению женщин в STEAM-направления. Национальная программа на 2022–2026 годы поддерживает этот процесс. Развитие образовательных и лидерских возможностей женщин способствует интеллектуальному и культурному прогрессу общества.

Ключевые слова: женщины, наука, образование, гендерное равенство, развитие, лидерство, Узбекистан, Национальная программа.

Annotation. Participation of women in science and socio-cultural fields in Uzbekistan is essential for national development. Government policies and international initiatives promote gender equality and economic growth. Special attention is given to engaging women in STEAM disciplines. The 2022–2026 National Program supports these efforts. Expanding educational opportunities and increasing female leadership contribute to the intellectual and cultural advancement of society.

ISSN 3030-3907

Keywords: women, science, education, gender equality, development, leadership, Uzbekistan, National Program.

Кириш.

Хотин-қизларнинг таълим ва илм-фан соҳасидаги иштироки мамлакатнинг умумий интеллектуал салоҳиятини оширишда ва инновация жараёнларини тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аёлларнинг таълим ва фан соҳаларидаги ролини ошириш учун қатор давлат дастурлари ва халқаро ташаббуслар қабул қилинган. Бугунги кунда мамлакатда хотин-қизларни илм-фан ва таълимга жалб қилиш, улар учун тенг имкониятлар яратиш ва раҳбарлик лавозимларида уларнинг иштирокига эътибор қаратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади, объектлари ва усуллари: Тадқиқотнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда таълим ва илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини таҳлил қилиш, уларнинг бу соҳаларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати, халқаро ташаббуслар ва мавжуд муаммоларни ўрганишдир. Тадқиқот объекти - Ўзбекистондаги хотин-қизларнинг таълим ва илм-фан соҳаларидаги иштироки, хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларига жалб қилиниши, давлат сиёсатининг аёлларни илм-фан ва таълимга жалб қилишдаги ўрни.

Тадқиқот усуллари: Таҳлил ва синтез усули, статистик методлар, танқидий метод, қиёсий таҳлил методларидан ишни ёзишда фойдаланилди.

БМТ Бош Ассамблеяси 2015 йил 22 декабрда "Тараққиёт мақсадларида фан, техника ва инновациялар" тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди, унга кўра ҳар йили 11 февраль "Илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар халқаро куни" сифатида нишонланади. Бу қарор аёллар ва қизларнинг илм-фан соҳасида тўлақонли иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратишга қаратилган[1].

Хотин-қизлар таълим ва илм-фан соҳаларида фаол бўлса, юқори малакали мутахассислар етишиб чиқади. Бу эса мамлакатнинг инновация ва технология ривожига хизмат қилади. Масалан, ЮНЕСКО маълумотларига кўра, аёлларнинг илм-фандаги иштироки юқори бўлган давлатларда иқтисодий ўсиш ҳам юқори суръатда ривожланмоқда**[2]**.

Хотин-қизларнинг илм-фан ютуқларидан тўлиқ ва тенг фойдаланишини ва унда иштирок этишини таъминлаш давр талабидир[3].

Бутун дунёда илм-фан ва бошқа соҳаларда гендер тенглик масаласи кўндаланг қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам барча соҳалар қатори илм-фан, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида аниқ фанлар, технология,

ISSN 3030-3907

муҳандислик, ижодий санъат ва математикани ривожлантиришга урғу мақсадига урғу берилган[4]. Унга кўра олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида хотин-қизларни ўқитишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган[5].

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳалардаги иштирокига оид қуйидаги муҳим давлат қарорлари қабул қилинган: "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони (ПФ-87-сон, 2022 йил 7 март) чиқди.

Ўзбекистонда 2022—2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланган[6].

"Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (500-сон, 2024 йил 12 август) Мазкур қарор билан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилган[7].

Бу фармон ва қарорларнинг барчасида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳаларидаги кенг иштирокини таъминлаш давлат ва жамият тараққиётига қуйидаги асосий жиҳатлар орқали ижобий таъсир кўрсатади.

Хотин-қизлар таълим ва илм-фан соҳаларида фаол бўлса, юқори малакали мутахассислар етишиб чиқади. Бу эса мамлакатнинг инновация ва технология ривожига хизмат қилади. Масалан, ЮНЕСКО маълумотларига кўра, аёлларнинг илм-фандаги иштироки юқори бўлган давлатларда иқтисодий ўсиш ҳам юқори суръатда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев «Юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “Оналар — бутун башариятнинг тарбиячиларидир“. Дарҳақиқат, оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Биз шу мақсадда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурни қабул қилдик», — деди давлат раҳбари[8].

Президент ҳозирда аёлларнинг улуши тиббиётда — 77 фоизни, таълим соҳасида — 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этаётганини қайд этди[9].

ISSN 3030-3907

Хотин-қизлар таълим ва маънавий-маърифий соҳаларда фаол қатнашса, жамиятда саводхонлик даражаси ортади. Таълимли оналар келажак авлодни ҳам илмга рағбатлантиради. Бу эса Ўзбекистоннинг умумий таълим ва интеллектуал салоҳиятининг ўсишига сабаб бўлади.

Асли покистонлик бўлган Малала Юсуфзай биронта ҳам жамият аёллар таълимини таъминламасдан тараққиётга эриша олмаслигини таъкидлаб ўтди[10].

Хотин-қизларнинг илм-фанга жалб қилиниши фан ва технология тараққиётини тезлаштиради.

Бу айниқса, тиббиёт, биотехнология, муҳандислик, ахборот технологиялари ва экологик тадқиқотлар каби соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

Хотин-қизлар илм-фан ва техникада фаол иштирок этган жамиятлар доимо инновация ва ривожланишда илгарилаб боради.

Жамиятда маънавий ва маданий тараққиётни таъминлаш аввало оиладан бошланади. Шу билан бирга хотин-қизлар маънавий-маърифий соҳаларда фаол бўлса, жамиятда маънавий қадриятлар мустаҳкамланади. Аёлларнинг адабиёт, санъат, журналистика ва таълим соҳаларидаги иштироки маданият ривожига катта ҳисса қўшади.

Фаннинг барча соҳаларида гендер тенглигини таъминлаш ижтимоий барқарорлик гаровидир.

Хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳалардаги иштироки мамлакат тараққиёти ва жамиятнинг интеллектуал ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда бу соҳаларда аёлларнинг фаоллигини ошириш учун қатор давлат дастурлари ва халқаро ташаббуслар амалга оширилмоқда. Лекин, шу билан бирга, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд.

Хотин-қизларнинг таълим ва илм-фандаги иштироки мамлакатнинг инновацион тараққиётини тезлаштиради. Масалан, ЮНЕСКО маълумотларига кўра, илм-фан соҳасида аёллар фаол бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш юқори бўлади. Аёллар маънавий-маърифий соҳаларда фаол бўлса, жамиятнинг маданий ва маънавий савияси ортади. Бу эса келажак авлоднинг тарбияси ва билим даражасини оширишга хизмат қилади. Хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳаларда тенг иштироки гендер тенглигини таъминлайди, бу эса жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

ISSN 3030-3907

Шунга қарамай айрим жамият қатламларида аёлларнинг илм-фан ва раҳбарлик соҳаларидаги иштирокига нисбатан салбий фикрлар мавжуд. Бу хотин-қизларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин.

Илмий муассасаларда ва олий таълим тизимида аёл раҳбарлар сони нисбатан кам. Бу эса уларнинг қарор қабул қилиш жараёнларига тўлақонли киришини чеклайди.

Айрим ҳудудларда қиз болаларнинг олий таълимга кириш имкониятлари чекланганлиги кузатилади. Бу эса уларнинг илм-фан ва таълим соҳасида фаолият юритишларига таъсир қилади.

Айрим ҳолларда хотин-қизлар олий таълим ва илмий фаолиятни иқтисодий сабаблар туфайли тарк этишади.

Хулоса

Хотин-қизларнинг илм-фан ва маънавий-маърифий соҳалардаги иштироки жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистонда бу соҳаларда аёлларни қўллаб-қувватлаш учун муҳим қонунлар ва дастурлар қабул қилинган бўлса-да, ҳали ҳам айрим муаммолар мавжуд. Шунинг учун таълим имкониятларини кенгайтириш, гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг илмий-тадқиқот фаолиятида фаол қатнашишини рағбатлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

[1] БМТ Бош Ассамблеяси. (2015). *"Тараққиёт мақсадларида фан, техника ва инновациялар" тўғрисидаги резолюция*. 70/212-сон, 2015 йил 22 декабрь. O'zbekiston ilm-fani rivojida xotin-qizlarning ulushi qay darajada? https://yuz.uz/uz/news/ozbekiston-ilm-fani-rivojida-xotin-qizlarning-ulushi-qay-darajada?

[2] Дунёмизни ўзгартириш: Барқарор ривожланиш соҳасидаги 2030 йилгача бўлган кун тартиби. 2015 йил 25 сентябрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган резолюция // United Nations Conference on Trade and Development сайти. URL: https://unctad.org/system/files/official-document/ares70d1_ru.pdf

[3] International Day of Women and Girls in Science// Resolution A/RES/70/212 of UN General Assembly 22 December 2015.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ПФ–5847, 08.10.2019

[5] STEM-таълим ва STEM-бандликда хотин-қизларнинг хулқ-атвори ўзгаришининг ижтимоий ва психологик белгиловчи омиллари // UNDP Uzbekistan Accelerator Lab, 2023 -Б.9.

ISSN 3030-3907

[6] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni Oila va xotin-qizlarni tizimli qo‘llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida // https://lex.uz/uz/docs/-5899498
[7] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qaroriO‘zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi faoliyatini tartibga solish sohasidagi ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida
[8] «Оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради» — президент // https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/07/womens/
[9] Ўша жойда.
[10] Breaking Gender Barriers: An Interview with Nobel Peace Prize Laureate Malala Yousafzai // https://hir.harvard.edu/breaking-gender-barriers-an-interview-with-nobel-peace-prize-laureate-malala-yousafzai/

ISSN 3030-3907